

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ГЕОГРАФИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Ражабов Ф.Т

PhD, доцент, кафедра «География»

*Чирчикский Государственный
педагогический институт Ташкентская область*

Аннотация: в статье проанализирован научно-теоретические основы география сельского хозяйства. Написано об исследованиях и основных идеях ученых в области агрогеографии.

Ключевые слова: география, сельского хозяйства, экономическое пространство, специализация, размещение.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS GEOGRAPHY OF AGRICULTURE

Rajabov F.T

PhD, Associate Professor, Department of Geography

Chirchik State Pedagogical Institute Tashkent region

Abstract: the article analyzes the scientific and theoretical foundations of the geography of agriculture. Written about the research and the main ideas of scientists in the field of agrogeography.

Key words: geography, agriculture, economic space, specialization, location.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ГЕОГРАФИЯСИНING ИLMИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ражабов Ф.Т

Тошкент вилояти Чирчиқ вилояти педагогика институти география

кафедраси доценти, PhD

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги географиясининг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган. Агрогеография соҳасидаги олимларнинг тадқиқотлари ва асосий зоялари ҳақида ёритилган

Таянч сўзлар: география, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий макон, мутахассислик, жойлашув

Қишлоқ хўжалиги географияси замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг иқтисодий қанотига мансуб муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ва унинг ҳудудий тизимлари қишлоқ хўжалик географиясининг илмий тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилса, қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиши муаммоларини тадқиқ қилиш қишлоқ хўжалик географиясининг предметини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги – иқтисодиётнинг энг муҳим ва йирик тармоғи бўлиб, агросаноат комплексининг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси аҳолига озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотлари, бир қатор саноат тармоқларига (озиқ-овқат, омухта ем, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа) хом ашё етказиб беришдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги географияси – қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиш қонуниятларини комплекс ўрганувчи фан[7]. Қисқача таърифлаганда эса қишлоқ хўжалиги географияси қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ҳудудий тизимлари ҳақидаги фандир.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши бир қанча географик хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга фан-техника инқилоби даврида ҳам қишлоқ хўжалиги табиий шароитга боғлиқлиги, маҳаллий ва бозор

иктисодиётига тезлик билан мослаша олиши, ишлаб чиқариш типлари ва айрим мамлакатлар ўртасида меҳнат унумдорлиги ва товар яратиш даражасидаги тафовутларда ўз аксини топади. Мазкур тафовутлар ҳудуддаги табиий шароит ва ресурсларнинг хўжаликда қандай ўзлаштирилиш даражаси билан тавсифланади.

Жаҳондаги барча мамлакатларда у ёки бу даражада қишлоқ хўжалиги соҳаси мавжуд. Бироқ, унинг ривожланиш даражаси турлича. Табиий шароит қишлоқ хўжалигининг ихтисослашувига ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Табиий шароит деганда, қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган ер ва сув ресурслари, маданий экинларнинг ўсиб, ривожланиши учун зарур бўлган агроиклимий ресурслар, яъни қуёш ёруғлиги ва иссиқлиги, намлик, тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳамда чорва молларининг ем-хашак базаси сифатида фойдаланиладиган табиий ўсимлик ресурслари тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ихтисослашуви ва жойлашувига муайян социал-иқтисодий ва географик омиллар, яъни халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви ва тараққиёт даражаси, иқтисодий-географик ўрни, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, шунингдек турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёж таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги географиясининг вужудга келиши энг аввало ғарб олимлари тадқиқотлари билан боғлиқ. Жумладан, Иоган Генрих Тюненнинг “Изолированное государство” (1926 й.) асарида ҳудудлар қишлоқ хўжалиги иқтисодий географик жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган ёки илк бор қишлоқ хўжалигини жойлаштиришнинг иқтисодий қонуниятлари ва назарий асослари ишлаб чиқилган.

Немис олими Иоган Генрих Тюнен шаҳар атрофида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашув тизимини яратади. Бу тизим адабиётда “Тюнен ҳалқалари” номи билан машҳур. Чунки, турли маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган ҳар хил тармоқлар истеъмол маркази атрофида ҳалқасимон жойлашади. И.Г. Тюненнинг мазкур ғоясига кўра:

- ✓ биринчи ҳалқа – боғдорчилик, сабзавотчилик ва қисман сут чорвачилиги;
- ✓ иккинчиси – ўрмон хўжалиги (ўша даврда ўтин учун);
- ✓ учинчиси ҳалқа – картошка, арпа етиштириш ва уруғчилик, сут чорвачилиги;
- ✓ тўртинчиси – юқори унумдор ғаллачилик ва сут-гўшт чорвачилиги;
- ✓ бешинчиси – ғаллачилик;
- ✓ олтинчи ҳалқа – яйлов чорвачилиги.

Олим биринчи бўлиб ердан фойдаланиш масалаларини кўтариб чиқди ва илмий адабиётга “иқтисодий макон” тушунчасини киритди [3]. У ўзининг юқоридаги моделида маҳсулотнинг бозорга, яъни истеъмолчига арзон ва сифати бузилмаган ҳолда етказиб беришига катта эътибор беради. Шундай қилиб, И.Г. Тюнен қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг ёки қишлоқ хўжалиги географиясининг дастлабки илмий асосини яратувчиси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини жойлаштиришнинг илк иқтисодий географик таҳлиллари XIX асрнинг иккинчи ярмидан пайдо бўла бошлади. Собиқ Иттифоқ даврида эса марказ олимларидан Н.Н.Колосовский, А.Н. Ракитников, В.Г. Крючков, К.И. Иванов, А.М.Носонов, Ю.Г.Саушкин, В. Максимов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан қишлоқ хўжалигининг илмий-назарий ва амалий масалалари бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ҳам Н.Н.Колосовский томонидан асос солинган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳамда К.И.Иванов асослаган “географик конвейер” назариялари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу илмий концепциялар асосида ҳар бир ҳудудда ва корхоналар даражасида энг юқори самара берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини маълум ҳудудда мужассамлаштириш, ихтисослаштириш, комбинатлаштириш ва кооперациялаш ғоят муҳим иқтисодий аҳамиятга эга [2].

Ҳудудий мажмуалар ва энергия ишлаб чиқариш цикллари қайси бир маънода М.Портернинг кластер назариясига моҳиятан яқин туради. Кластерда фақат

ишлаб чиқариш эмас, балки, ноишлаб чиқариш корхона ва фирмалар, ташкилотлар маҳсулот рақобатбардошлигини кўтариши, яъни ягона мақсад доирасида жипслашади, уйғунлашади, ўзаро интеграциялашади. ҲИЧМ ва кластерларнинг маълум бир ҳудудда, географик маконда ташкил этилиши эса уларнинг умумийлигини, ўхшашлигини асослаб беради [8].

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойланишида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шакллари – мужассамлашув, ихтисослашув, комбинатлашув, кооперациялашув саноат ва транспортга қараганда ўзига хос хусусиятга эга. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини бир-бирига яқин жойлаштириш иқтисодий самарадорликни келтириб чиқаради, бироқ бу мужассамлашув ҳудудий жиҳатдан саноатдан кескин фарқ қилади. Бинобарин, комбинатлашув агросаноат мажмуаси ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиб, бу эса, ўз навбатида кооперацияни келтириб чиқаради.

Маълумки, муайян ҳудудда, корхоналарнинг мажмуали ташкил этилиши асосида, транспорт, хомашё, ёқилғи ресурслари ва инфратузилмадан оқилона фойдаланиш иқтисодий самарадорликка олиб келади. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, корхоналар ўзаро ишлаб чиқариш ва технологик алоқалар билан боғланган, ҳудудий мажмуалилик шаклида ташкил этилган бўлса, унда умумий харажатлар 15-20 фоизга қисқаради.

В.Г. Крючков таърифи бўйича “*Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш* – ҳудудий меҳнат тақсимооти жараёнида маълум вазифани бажарувчи, мажмуали табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланган қишлоқ хўжалик корхоналари ва агросаноат мажмуаларининг оптимал жойлаштирилишидир. Бу ерда жойлаштиришга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш нуқтаи назаридан олиб борилади. Аграр соҳада мужассамлашув ареалсимон бўлади, бинобарин унинг иқтисодий самарадорлиги унча сезилмайди. Бу тармоқда ихтисослашув эса турли хил шаклларда амалга оширилади: а) ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви орқали товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бош тармоқнинг ривожланиши учун табиий

ва иқтисодий шароитлар мавжуд бўлади; б) қишлоқ хўжалик тармоқларини кооперациялаш йўли билан алоҳида хўжаликни яқуний маҳсулоти бошқа ишлаб чиқариш циклида фойдаланилмайди [3].

К.И.Ивановнинг “географик конвейер” ғоясини ҳам Ўзбекистонда амалда тадбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Географик конвейерлар натижасида мавжуд шароитлар билан мувофиқ тарзда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда узлуксизлик таъминланади, технологик цикл турли хил табиий-иқтисодий районларда мажмуали ва тизимли ташкил этилади.

К.И.Ивановнинг таъкидлашича қишлоқ хўжалигида географик конвейерларнинг 2 тури мавжуд:

1. Турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган районлардан самарали фойдаланадиган ҳудудий ишлаб чиқариш (географик) конвейерлари. Бунда, фараз қилинаётган конвейер “лентаси” бир районнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотининг иккинчи бир районга қўшилиши, ҳеч қандай вақтни ўтказмасдан, маълум бир босқичда такрор ишлаб чиқарилиши керак.

2. Мавсумийлик ривожланган ерлардан самарали фойдаланиш географик конвейерлари. Бунда, қилинаётган конвейер “лентаси” бир ва бир неча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавот, мева) турли вақтларда етиладиган районлардан ўтади ва ўзига тайёр маҳсулотни истеъмол районларига етказиб бериш учун қабул қилади [2].

Географик конвейерларнинг ҳар иккала тури қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳудудий ва даврий ташкил этиш шаклидир. Уларнинг ҳар бири турли хил даражага тўғри келса-да, ўз навбатида бу конвейерлар минтақавий ва тармоқ хусусиятига эга. Географик конвейерлар минтақавий жиҳатдан микроконвейерларга – бир ва бир неча ёнма-ён жойлашган қишлоқ хўжалиги корхоналари доирасида, мезоконвейерлар – бир нечта қуйи маъмурий районларни қамраб олган ҳудудлар, макроконвейерлар – икки ва ундан ортиқ табиат зоналари таъсир кўрсатган жойларга ажратилади. Тармоқ нуқтаи назардан гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни етиштирадиган чорвачилик

ва паррандачилик ҳамда пахта, ғалла, мева ва сабзавот экинларига ихтисослашган деҳқончилик конвейерларини шакллантириш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини географик ўрганишга мансуб илк илмий изланишларга ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кучли эътибор берилди. Айниқса, собиқ Иттифоқ даврида республика қишлоқ хўжалигини тармоқлар тузилиши, ҳудудий ташкил этилиши ва ихтисослашувини илмий тадқиқ этиш кучайди. Жумладан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги географиясига оид илк монографик тадқиқотлар ўтган асрнинг ўрталарида профессорлар З.М.Акрамов ва А.Н.Ракитниковлар ҳамкорлигида олиб борилган. Улар Зарафшон ҳавзасида ташкил этилган комплекс иқтисодий-географик экспедицияга раҳбарлик қилган ва 1961 йилда икки жилдди «Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг қишлоқ хўжалиги географияси» номли монографиясини нашр эттирган [7]. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг иқтисодий географик жиҳатлари турли ҳудудлар мисолида М.Ю.Осупов (Андижон вилояти), Р.Ходиев (Китоб-Шаҳрисабз ботиғи), А.Валихонов (Қўқон воҳаси), Е.Умаров (Қуйи Амударё), А.Рўзиев (Сурхондарё вилояти), Б.Ишчанов (Хоразм воҳаси), С.Саидкаримов (Зарафшоннинг ўнг қирғоғи), Т.Эгамбердиев (Келес водийси), К.Қурбонов (Мирзачўл), Б.Миртурсунов (Тошкент вилоятининг тоғли туманлари), С.Боқиев (Тошкент шаҳри атрофи), Х.Халилова (Самарқанд шаҳри атрофи), Ю.Аҳмадалиев (Фарғона водийси), Р.Усмонов (Фарғона шаҳри атрофи), А.Холмирзаев (Фарғона водийси), К.Хидиралиев (Сирдарё вилояти), М.Файзуллаев (Жанубий Ўзбекистон), Ф.Ражабов (Қашқадарё вилояти) каби олимлар томонидан ўрганилган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини географик ўрганишда собиқ ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) география факультетининг иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси алоҳида ўринга эга [6].

Ўзбекистон чорвачилигининг ҳудудий ихтисослашуви ва ривожланиши масалаларини Қ.А.Абиркулов, республика аграр-саноат мажмуаси ва унинг илмий-амалий масалаларини А.Рўзиев ҳамда А.Содиқовлар ўрганган. Ҳозирги

вақтда замонавий агрогеографик тадқиқотлар сифатида ҳудудларнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш, аграр сектор янги мулкчилик шакллариининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш, ер-сув ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий масалалари борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги учун ернинг аҳамиятини катта эканлигини таъкидлаган ҳолда, ҳар қандай ер майдони ҳам бу соҳада интенсив фойдаланиш имкониятига эга эмаслигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бинобарин, ҳудудларнинг қишлоқ хўжалик салоҳияти экин экиладиган ёки ҳайдаладиган ер ва умумий ер майдонининг нисбати, ер фондининг ҳажми ва таркиби орқали белгиланади. Айниқса, суғориладиган ер майдони билан қишлоқ аҳолисининг таъминланганлик даражаси катта мазмунга эга. Фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонининг ҳажми шу жойнинг геоморфологик ҳолатига ҳам боғлиқ [4].

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунга қадар қишлоқ хўжалиги географиясининг назарий асослари шаклланган ва ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиши жамият ишлаб чиқариш кучларини тарихий ривожланиш жараёни билан узвий боғланган. Жамиятнинг ривожланиши ва илмий техник тараққиётининг даражасига қараб қишлоқ хўжалиги тизими ва унинг ҳудудий ташкил этиш йўналишлари ўзгариб боради. Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши содда ва бетартиб тизимдан, меҳнат кооперацияси ва интеграцияси асосида ҳудудий жиҳатдан оддий гуруҳлар, тармоқ ва тармоқлараро мажмуаларни ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абирқулов Қ. Проблемы развития и размещения животноводства в Узбекистане. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т.: 1983. 44 с.
2. Иванов К.И. (1975) Территориальные системы общественного производства. – Москва: «Мысль». – с. 272.

3. Крючков В.Г. (1978) Территориальная организация сельского хозяйства. (Задачи и методы экономико-географических исследований). - Москва. «Мысль». -п. 268.
4. Лапкин К.И. (1988) Размещение и специализация сельскохозяйственного производства в зонах и районах Узбекской ССР. – Ташкент. «Фан». - п. 390.
5. Носонов А.М. (2001) Территориальные сельскохозяйственные системы (экономико-географические аспекты исследования). - Москва. Янус-к. - п. 324.
6. Ражабов, Ф. Т. (2015). Региональные особенности развития сельского хозяйства Республики Узбекистан (на примере Кашкадарьинской области). Социально-экономическая география: Вестник Ассоциации российских географов-обществоведов (АРГО), (1), 195.
7. Ракитников А.Н. (1970) География сельского хозяйства. – Москва. «Мысль». - п. 342.
8. Солиев А. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Т.: 2000. 46 б.